



ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ – ПАРЛАМЕНТАРИЗМ САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Юристлар малакасини ошириш маркази
Хусусий–хуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD
usmonov.vosid@mail.ru 99.821-33-40

Аннотация. Мамлактимизда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023-йил 30-апрел куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинганилиги ҳақида сўз юритилади. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Олий мажлис фаолиятининг такомиллашуви ҳам кузатилди. Мақолада шу каби фикрлар илгари сурилди. Умуман парламент тарихига назар солинди. Турли давлатларнинг парламентлари ўрганилди.

Калит сўзлар: ижро этувчи ҳокимият, Бош вазир, ижтимоий, солиқ ва бюджет сиёсати, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни, ижтимоий соҳа.

Парламент — (инглизча: парлиамент, французча: парламент) давлатнинг давлат ҳокимияти органларидан биридир. Парламент вакиллик муассасаси бўлиб, унинг депутатлари халқ томонидан сайланади ва парламентда унинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Парламент қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, яъни давлатнинг қонунларини қабул қилишда мутлақ хуқуққа эга бўлади. Парламент давлатнинг ички ва ташки сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда қатнашади, давлат бюджетини тасдиқлайди, давлатнинг солиқ асосларини ва умумдавлат солиқлари ҳамда йиғимлари турлари белгилаб беради. Парламент бошқа давлат органларини шакллантиришда давлатнинг олий мансабдор шахсларини тайинлашда қатнашади — бу ишларни ё ўзи бажаради ёки тегишли номзодлар у билан келишиб бажарилади. Парламент давлат қонунлари ижроси устидан ва ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти устидан, янги қонунларнинг тасдиқланиши устидан парламент назоратини амалга оширади¹⁸.

Парламент (франц. parler — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Парламент биринчи марта 13-асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари турли мамлакатларда турлича аталади. Жумладан, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия ва бошқа давлатларда Парламент; АҚШ ва Лотин Америка»нинг аксарият мамлакатларида конгресс, Россия Федерациясида — Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада — сейм ва х. к. Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир. Парламент бир палатали ва икки палатали тизим шаклида бўлади. Парламентни

¹⁸ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Parlament>



ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

2023 йил 30 апрель куни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси [референдумида](#) умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди. Унга кўра, XVIII боб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бағишинланган бўлиб, жумладан 91-модда:

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуий палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати — беш йил.

Конституциянинг 92-моддасига кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — тўрт кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққиз нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.



Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145>;
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 56 б.;
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - хар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.;
4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.;
5. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.;
6. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз /Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2023 йил 25 январь <https://lex.uz/docs/6369997>;
8. Ўзбекистон Республикаси Парламент назорати тўғрисида. 12.04.2016. <Https://lex.uz/docs/2929477>.